



ИСЛОМ МАНБАЛАРИДА ИНСОН ВА ТАБИАТ МУНОСАБАТЛАРИ УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТ СИФАТИДА ТАЛҚИН ЭТИЛИШИ

З. Газиев,

ЖДПУ катта ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада ислом дини асосий манбаларида инсоннинг табиатга узвий ва онгли алоқадорлигининг қадрият сифатида талқин қилиниши ва унинг аҳамияти борасида фикрлар илгари сурилган.

Калим сўзлар: Башарият, қадрият, ислом, оят, ҳадис, инсон, борлиқ, табиат, макон, замон, неъмат, ҳаёт, эҳтиёж, тасарруф, бурч.

Одатда, умумбашарий қадриятлар тизимидаги асосий тушунчалар таҳлил қилинаётганда улар билан боғлиқ масалаларнинг маконда ва замонда зоҳир бўлишига эътибор берилади. Ислום дини жорий бўлишидан олдин жоҳилият даврида бутпарастлик, ахлоқий бузукликлар авж олган эди. Мана шундай макон ва замонда исломий қадрият тушунчалари борлиқнинг бирор шакли, жиҳати, воқеликнинг бирор қисми, оламдаги нарсалар ва атроф-муҳитнинг энг муҳим томонлари сифатида намоён бўлган, ушбу маънода қадриятларнинг умумбашарий, умумсайёравий ва минтақавий, ҳамда бирор кичик ҳудуд ёки жойга боғлиқ бўлган шакллари ажратиш мумкин¹.

Умумбашарий қадриятларнинг асослари инсоният учун мутлақ ҳақиқат сифатида мавжуд, уларнинг борлиги, зарурлиги инсон ва жамият учун абадий, мавжудлиги эса инсоният қонунлари, талаб ва эҳтиёжларидан устун туради.

Умуминсоний қадриятлар ривожда исломий қадриятларнинг ўрни билан боғлиқ муаммолар ҳозирги даврга келиб файласуфлар ва тадқиқотчиларнинг диққатини жалб этаётган асосий мавзулардан бирига айланмоқда². Бу муаммолар ҳозир кўп ишлатилаётгани билан унинг мазмуни, тузилиши, асосий шакллари, намоён бўлиш хусусиятлари ва умуминсоний қадриятлар тизими, бу тизимдаги асосий қадрият шакллариининг ўрни ва аҳамиятини илмий таҳлил қилиш билан боғлиқ масалаларга эътибор кам.

Умуминсоний қадриятлар турининг мазмунини ўрганиш учун аввало, «умуминсонийлик» тушунчасининг маъносини таҳлил қилмоқ лозим. Бу тушунча жамиятнинг асосий жиҳатлари, турли ижтимоий сифатлар, хусусиятлар ва бошқаларнинг умуминсоний характерга эга эканини англатади. Қуръони каримда умуминсонийлик тушунчасида қадриятларни тирик табиатнинг гултожи бўлган одам зотининг ҳаёти ва камолоти ҳамда тарихий, сиёсий ва бошқа бирликлар учун аҳамияти устуворлигида ўз аксини топади. Шу билан бирга умуминсонийликда умумижтимоий муносабатлар, таълим-тарбия ва маънавий-ахлоқий жиҳатлар, ижтимоий муҳитнинг энг умумий томонлари билан боғлиқ сифатлар ҳам акс этади. Бир сўз билан айтганда, умуминсонийлик одамлар учун умумий бўлган мезонлар, турли ҳолатлар, хусусиятлар, шарт-шароитлар ва бошқаларни ўзида акс эттирадиган тушунча сифатида ишлатилади³.

Қуръони карим бошқа самовий китоблардан фаркли ўлароқ бутун дунё халқларига умумий илоҳий китоб сифатида нозил қилинди. Қуръони карим асосида шаклланган ислом дини бутун башарият дини бўлди. Шунинг учун ушбу диннинг тамал асосларини инсониятнинг яшаши, амалий фаолияти, умуман, инсон ҳаётининг энг умумий соҳаларига тегишли бўлган умумжамият миқёсидаги қадриятлар ташкил қилади. Бунда умуминсоний

¹ Бойтўраев Т. Д. Инсонпарварлик ва маънавий қадрият ҳақида баъзи мулоҳазалар. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар соҳаларининг муҳим масалалари. Олий ўқув юртлари илмий ишлар тўплами. Т.: 2001. 35-б.

² Тўланов Ж. Қадриятлар фалсафаси. —Т.: Ўзбекистон, 2000. 213-б.

³ Абдуллаев Абдурасул. Қуръони каримда аксиологик муаммолар тизими (магистрлик диссертацияси). —Т., ЎЗМУ. 2008. 32-б.



қадриятлар тушунчаси бутун жамият аҳамиятига эга бўлган инсониятнинг мавжудлиги, ўтмиши, бугуни ва келажagini, яшашнинг асосий йўналишлари, қонун-қоидаларини, талаб ва тартибларини, одамларнинг энг азалий орзу-умидлари ва идеалларини ўзида акс эттирадиган қадриятларнинг умумий шаклларини ифодалайди. Улар жамият аъзоларининг ҳаммаси учун умумий аҳамият касб этади, инсоният ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, кишиларнинг амалий фаолияти, яшаш тарзи, бошқаларга муносабати ҳам ана шу мезонларга мос келиши ёки мос келмаслигига қараб баҳоланади. Мисол учун, ояти каримада инсоннинг ижтимоий келиб чиқиши, обрў-эътибори, мансаби, бойлиги каби тушунчалар умуминсоний қадриятлар тизимидаги олий мезонлар ҳисобланмайди. Балки бунда Қуръони карим тавсия ва таклифларини ҳаётига жорий қила олиш, ҳақиқий тақводорликнинг амалий ифодасини кўрсата олиш каби ўлчовлар билан муқояса қилинди. Хужурот сураси 13-оятда Аллоҳ таоло: «Албатта, Аллоҳ наздида (энг азизу) муқаррамроғингиз тақводорроғингиздир»⁴, деган. Шу маънода инсоннинг ирқи, миллати каби фарқли жиҳатларнинг тўқинлигисиз, энг қадри ва олий мақомга эришиш мумкин.

Умуминсоний қадрият тушунчасининг асоси ижтимоий муносабатлар ва жараёнлар, инсониятнинг узлуксиз ҳаётини, ҳамда турмуш тарзини умумлаштирадиган жамиятдир. Инсониятнинг энг муштарак жамоаси бўлган жамиятгина умуминсоний қадриятларнинг яратувчиси ва сақлаб турувчидир. Ислом манбаларида келтирилган умуминсоний қадриятлар ниҳоятда кенг қўламли ва серқирра бўлиб, улар озодлик, эркинлик, тинчлик, бахт-саодат каби умумижтимоий маъно ва мазмун кашф этадиган қадриятлардангина иборат эмас ва уни фақат моддий ва маънавий бойликлар сифатида тушунишни ҳам мақсадга мувофиқ деб бўлмайди. Шу билан бирга, муайян миллий, синфий ёки бошқа хусусий қадриятлар тизими ҳам, умуминсоний қадриятлар тизимининг ўрнини боса олмайди. Умуминсоний қадриятлар ва уларнинг намоён бўлиш шаклларини таҳлил қилиш, аслида, бу қадриятлардан иборат таркибий қисмлари бир-бири билан ақлий тарзда боғланган умумий тизимни, унинг асосий қисмлари ўртасидаги муносабатларни тадқиқ қилишдир. Бу қадриятлар, жамият тараккиётининг муайян даврида яшаётган кишилар учун умумий бўлган қадриятлар тизимини ҳосил қилади, бошқа қадриятлар билан узлуксиз алоқада, зарурий боғланишда намоён бўлади.

Қуръони карим ва ҳадисда умуминсоний қадриятларнинг энг олий шакллари идеал қадриятлар сифатида қаралади. Жамият тарихининг ҳамма даврларида одамлар ана шу идеал қадриятларга интилиб, уларга эришишни орзу қилиб яшайдилар. Кундалик ҳаётда ва илмий адабиётларда энг олий идеал қадриятларга нисбатан бир қатор ибора ва тушунчалар кенг қўлланади: маънавий ва ахлоқий покликнинг умумий белгиси – яхшилик; нафосат белгиси – гўзаллик; билимларимиз ва фан ютуқларининг амалиётга мослиги – ҳақиқат; инсон ҳуқуқларининг олий ифодалари – эркинлик ва тенглик; сиёсатнинг тўғрилиги – адолат; одамлар ўртасидаги ижобий муносабатлар – дўстлик; энг ҳокисор ва беғараз туйғулар асосидаги қалбларнинг боғланганлиги – муҳаббат; орзу-умидларга эришганлик – бахт-саодат; ўз юртини севиш ва ардоқлаш – ватанпарварлик каби тушунчалардир. Ушбу баркамол қадриятлар ва уларга нисбатан тескари маънони англатадиган ёмонлик, хунуклик, ёлғон, эркисизлик, тенгсизлик, адолатсизлик, душманлик, нафрат, хиёнат ва бошқалар ҳаётда муайян тарзда намоён бўлади.

Инсон ҳаётида фақат комиликка етишиш тўғрисидаги орзулар билан қаноатланиб қолишини Ислом таълимоти қоралайди. Инсон ўз идеалларига эришиш, уларни барқарор қилиш йўлида бошқа эҳтиёжларини, талабларини ва қизиқишларини қондириши, ўзга кишилар билан муносабатда бўлиши, жамият талабларини бажариши, ўз бурчини адо этиши ва бошқа соҳаларда фаолият юритиши лозим бўлади. Шу маънода, кишилар доимо идеалга интилиб, ҳаётини вазифаларни бажариб, орзу-умидлар билан ҳаётини воқелик орасида умр

⁴ Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. -Т., Тошкент ислом университети, 2004.517-б.



ўтказадилар. Камолотга интилиш орзуси билан, воқелигимизда умр ўтказиш зарурияти ўртасидаги муайян зиддият эса, одамзотни яшашга ундайдиган, умрининг энг қийин, таназзул даврларида ҳам умид учқунлари сақланиб қолиши учун асос бўладиган умргузаронликнинг асосий тамал тошидир, инсон ҳаётининг мазмуни, маъноси ва қадрини белгилайдиган жараёндр.

Ислом таълимотида умуминсоний қадриятлар жамиятнинг ижтимоий тузилиши, унга мансуб турмуш, оила, уруғ, қабила, элат, миллат, халқ, давлат ва бошқаларнинг ижтимоий ҳолати, маънавий ҳаёти, ахлоқ, ҳуқуқ, маданият каби тушунчалар билан боғлиқ ҳолда тушунтирилади. Масалан, ахлоқда иймонлилик, яхшилик, бурч, виждон, ҳаётнинг маъноси бошқалар ҳам кундалик ҳаётда қадриятлар даражасига кўтарилиши тўғрисида минглаб тавсиялар ва таклифлар мавжуд. Бундан ташқари, жамият аъзолари учун умумий бўлган талаблар – киши ўз жонига қасд қилмаслик, баданини соғ-саломат сақлаш, хушхулқлик ҳамда бошқа ўнлаб инсоний жиҳат ва хусусиятлар ҳам умуминсониятга хос бўлган маънавийликнинг асосий бўғинларидир.

Қуръони каримда бутун олам ва ундаги нарсалар — ой, қуёш, осмон, ҳаттоки юлдузлар ҳам инсониятнинг фойдаси учун яратилганлиги таъкидланади. Шу билан бирга уларнинг барчаси ҳикмат ва ўлчов билан яратилгани қайд этилиб, барчасининг ўз ҳисоби ва белгиланган ўрни борлиги айтиб ўтилади. Жумладан, «Юнус» сурасида айтилишича: У (Аллоҳ) қуёшни зиё (таратувчи) ва ойни нур (сочувчи) этган ҳамда йилларнинг ададини ва (вақт ўлчовларидаги) ҳисобни билишларингиз учун уни (ойни) манзил (бурж)ларга (бўлиб) ўлчаб қўйган зотдир. Буни Аллоҳ фақат ҳақ (ҳикмат) билангина яратди. Билувчи қавм учун оятларни (У) батафсил баён қилур⁵ (Юнус, 5).

«Анъом» сурасида юлдузлар ҳақида шундай дейилади: У сизлар учун куруқлик ва денгиз қоронғуликларида йўл топишингиз учун юлдузларни яратган зотдир. Биладиган кишилар учун оятларни кенг баён қилдик (Анъом, 97).

«Ар-Раҳмон» сурасида қуёш ва ойнинг ҳисоб билан юриши, самонинг мувозанат билан қўйилгани таъкидланади: Қуёш ҳам, Ой ҳам (аниқ) ҳисоб билан (сайр қилур).

Осмонни баланд қилиб қўйди ва мезонни (меъёр ва адолатни) жорий қилди.

«Ёсин» сурасида ой ва қуёш қанчалик катта бўлмасин, бир-бирларига ҳалал бермай фазода ҳаракатланиши айтилади: Қуёш (тинмай) ўз қароргоҳи сари жорий бўлур. Бу қудратли ва билимли зотнинг ўлчовидир (38). Биз ойни ҳам, токи у эски хурмо бутоғидек бўлиб (эгилиб) қолгунича, манзилларга (ботадиган қилиб) ўлчаб қўйгандирмиз⁶ (Ёсин, 39). На қуёш ойга етиши мумкин ва на кеча-кундуздан ўзувчидир. (Қуёш, ой ва юлдузларнинг) ҳар бири (бир) фалакда сузадилар.

«Бақара» сурасида осмону ер, денгизу булутлар билан бирга табиат ҳодисалари — кеча ва кундузнинг ўз вақтида алмашилиб туриши, шамолнинг булутларни ҳайдаб ёмғирни келтириши, ана шу ёмғир туфайли «ўлик», яъни қишда уйқуга кетган ернинг қайтадан жонлантирилиши ҳамда шу йўл билан ер юзидаги жонзотларнинг кўпайтириб қўйилиши, одамлар учун фойдали юкларни кўтарган кемаларнинг денгизларда сузиб юриши инсонларга берилган катта неъмат ва ибратли ҳодиса экани алоҳида таъкидланади:

Албатта, осмонлар ва Ернинг яратилишида, кеча ва кундузнинг алмашиб туришида, одамлар учун фойдали нарсалар ортилган кемаларнинг денгизда сузишида, Аллоҳ осмондан тушириб, у сабабли "ўлик" ерни тирилтирган сувда, турли жонзотларни унда (ерда) тарқатиб қўйишида, шамолларни (турли томонга) йўналтиришида ва осмон билан Ер орасидаги итоатли булутда ақлни ишлатадиган кишилар учун аломатлар (Аллоҳнинг қудратига далиллар) бордир (Бақара, 164).

⁵ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. "Тафсири Ҳилол". Тошкент, 2008. Юнус сураси, 5-оят.

⁶ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. "Тафсири Ҳилол". Тошкент, 2008. Ёсин сураси, 39-оят.



«Наба» сурасида ер юзининг инсонлар ҳаёт кечиришлари учун қулай шароитда яратилгани, тоғларнинг ернинг ҳаёт учун зарурий қисмини мустаҳкам ушлаб туриш учун қозиқ қилиб қўйилгани айтилади. Зеро, ҳозирги кунда илм-фан тоғлар қанчалик баланд бўлса, ер остидаги илдишлари шунчалик, балки ундан ҳам чуқурроқ, мустаҳкамроқ эканини эътироф этади.

Қуръони каримда осмон жисмлари, ер ва ундаги тоғлар ҳақида кўплаб оятлар мавжудки, юқорида фақат улардан баъзи мисоллар келтириб ўтилди.

Шундай қилиб, ислом таълимотларида инсониятни ўраб турган борлиққа бўлган ўзига хос муносабат, атроф-муҳит ва табиатнинг энг муҳим томонларини, оламдаги энг умумий боғланишлар ва алоқадорликнинг инсон учун ижтимоий қадр ва аҳамиятини ифодалайдиган умумбашарий хусусиятга эга бўлган қадриятлар тизими вужудга келди. Бу қадриятлар тизимининг баҳоланиши энг олий қадрият - Аллоҳ таолонинг сифатлари, хоҳиш-иродаси билан боғлиқдир. Бу қадриятлар инсон онгига боғлиқ бўлмаган ташқи олам ва борлиқнинг яшаши, ҳаракати, макон ва замондаги ўзгаришлари билан боғлиқдир, деб ҳам тушунтириш мумкин.

Адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаев Абдурасул. Қуръони каримда аксиологик муаммолар тизими (магистрлик диссертацияси). -Т., ЎЗМУ. 2008.
2. Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. –Т., Тошкент ислом университети. 2004.
3. Бойтўраев Т. Д. Инсонпарварлик ва маънавий қадрият ҳақида баъзи мулоҳазалар. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар соҳаларининг муҳим масалалари. Олий ўқув юрглари илмий ишлар тўплами. Т.: 2001.
4. Тўланов Ж. Қадриятлар фалсафаси. —Т., Ўзбекистон. 2000.
5. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. "Тафсири Ҳилол". Тошкент, 2008. Юнус сураси, 5-оят.
6. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. "Тафсири Ҳилол". Тошкент, 2008. Ёсин сураси, 39-оят.